

Ўзбекистон Республикаси
Андижон вилояти
Улуғнор туман
ҲОКИМИНИНГ
Қ А Р О Р И



Р Е Ш Е Н И Е
Х О К И М А
Улуғнарского района
Андижанской области
Республики Узбекистан

170900, Ўзбекистон Республикаси, Андижон
вилояти, Улуғнор тумани «Оқ-олтин» к.
Телефон: 74-7611125 Факс: 74-7611125

170900, Республика Узбекистан, Андижанская
область, Улуғнарский район, к. «Ак-алтын»
Телефон: 74-7611125 Факс: 74-7611125

29.01.2021 йил

№ 9-қ

**Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний
шахсларга тегишли автомобилотранспорт
воситалари ва уларнинг тиркамаларини
2021 йил учун мажбурий техник
кўриқдан ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқлаган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низоми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1010-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Улуғнор туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳининг 2021 йил 12 январь кунги “Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомобилотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги 41/7-20-сонли хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тумандаги барча корхона, ташкилот, муассаса ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини қайд қилиш, мажбурий техник кўриқдан ўтказиш туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи (Б.Абдусаттаров) зиммасига юклатилсин, бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низом талабларига тўлиқ риоя қилинсин.

3. Техник кўрикни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун тузилган ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага, техник кўриқдан ўтказиш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ушбу қарор туман “Улуғнор” газетасида эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий “веб” сайтыга жойлаштирилсин.

5. Ушубу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

6. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2020 йил 7 февраль кунги 12-қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Кўзиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Д.Махсудов